2015 йил 26 март, пайшанба

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 74 (12.887)

Баҳоси эркин нархда

Сўз – халқаро кузатувчиларга

ЎЗБЕКИСТОН – ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНАЁТГАН, КЕЛАЖАГИ БУЮК МАМЛАКАТ

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини кузатиш учун келган хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар вакиллари ЎзА мухбирларига мамлакатимиз тараққиёти, иқтисодий ва демократик ислоҳотлар самаралари ҳақидаги фикрларини баён этди.

Дарио ЧИТАТИ, Олий геосиёсий тадқиқотлар ва турдош фанлар институтининг «Евросиё» дастури раҳбари (Италия):

– Ўзбекистон – изчил ривожланаётган давлат. Бу мамлакатингиз ялпи ички маҳсулотининг барқарор ўсишида яққол кўзга ташланмоқда.

Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳияти жуда юқори. Илк бор Тошкентни кўрганимда, унинг тароватидан жуда ҳайратланган эдим. Шаҳрингизнинг мукаммал инфратузилмаси, миллий ва замонавий руҳни ўзида мужассам этган гўзал қиёфаси менда доимо унутилмас таассурот уйғотади. Қадимий Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарлари ноёб тарихий обидалари ва жозибаси билан барчани ўзига жалб эта олади.

Сайлов куни Хива шаҳрида овоз бериш жараёнларини кузатаман.

Ду ЯНЬЦЗЮНЬ, Замонавий халқаро алоқалар академияси президенти ёрдамчиси (Хитой):

– Ўзбекистонда хотин-қизлар манфаатларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини яхши биламиз. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясидан хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидирлар, деган алоҳида модда жой олгани диққатга сазовор. Зеро, бу тамойил мен билган бошқа ҳеч бир конституцияда учрамайди.

Мамлакатингизда хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеи юксалиб бормоқда. Улар муҳим иқтисодий-иқтисодий, сиёсий жараёнларда фаол иштирок этмоқда. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасида бўлиб ўтган учрашувимизда турли соҳаларда самарали меҳнат қилаётган аёллар билан суҳбатлашиб, бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдим.

Стратегик шериклик даражасига кўтарилган Хитой ва Ўзбекистон ҳамкорлиги барча йўналишларда изчил ривожланиб бораётир. Давлатларимиз раҳбарларининг мунтазам алоқалари, бир-бирига бўлган ҳурмати ва ишончи, халқларимизнинг ўзаро манфаатли ҳамкорлиги натижасида Хитой –Ўзбекистон муносабатларини кенгайтириш, ўзаро сиёсий ишончни мустаҳкамлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар ижобий самаралар бермоқда.

Президент сайлови нафақат яқин беш йиллик, балки узоқ келажакка дахлдор муҳим жараёндир. Халқингиз буни чуқур англаб, сайловолди ташвиқотларини диққат билан кузатиб бормоқда. 29 март куни улар ўз фикрларини эркин ифода этиб, мамлакатингиз келажаги учун овоз беришига ишонаман.

Кюдзо КАТО, археолог олим, (Япония):

– Ўзбекистон барча жабҳаларда катта муваффақиятларга эришмоқда. Шаҳар ва қишлоқлар қиёфаси тубдан ўзгариб бормоқда. Бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари аҳолининг яшаши, меҳнат қилиши, дам олиши, маданий ҳордиқ чиқариши учун кенг қулайлик яратаётир.

Ўзбекистоннинг тарихи жуда бой ва бетакрор. Халқингиз жаҳон илм-фани, маданияти ривожида муҳим ўрин тутган. Мен кўп йиллар мобайнида Далварзинтепа, Қоратепа каби тарихий ёдгорликларда ўзбек олимлари билан ҳамкорликда олиб борган илмий изланишларим жараёнида бунга амин бўлганман. Мамлакатингизда аждодлардан қолган бой маданий меросни – тарихий обидаларни асраб-авайлаш, цивилизация ривожига улкан ҳисса қўшган алломаларнинг номини тиклаш, илмий меросини ўрганиш ишлари давлат сиёсати даражасига кўтарилгани таҳсинга сазовор.

Японияда туғилган бўлсам-да, Ўзбекистонни ўз Ватаним деб биламан. Шу боис Ўзбекистон ҳаётидаги муҳим сиёсий жараёнда кузатувчи сифатида иштирок этаётганимдан жуда хурсандман.

Герхард БИРКЛ, «Silk Road» маданий-жамоат компанияси директори (Германия):

– Ўзбекистонда сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий ва иқтисодий соҳаларда самарали ислоҳотлар олиб борилаётганининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Мамлакатингизда жамиятни демократлаштириш йўлида босқичма-босқич амалга оширилаётган оқилона сиёсатга асосланган янгиланишлар юксак самаралар бераётир.

Ташкилотимиз 2013 йилда «Ўзбектуризм» миллий компанияси билан ҳамкорликда Ўзбекистон тарихи ва бугуни, маданияти, урф-одат ва анъаналари, шаҳар ва қишлоқлари, миллий таомлари ҳақида ҳикоя қилувчи махсус веб-сайт яратган. Келгусида ушбу йўналишдаги ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш устида иш олиб бормоқдамиз.

Ўзбекистонда Наврўз байрами тантаналарида иштирок этишни кўп йиллардан буён ният қилар эдим. Орзуимга эришганимдан жуда бахтиёрман.

Мамлакатингиз ёшларининг ҳар жабҳада фаоллигига ҳавасим келди. Улар замонавий технологияларни чуқур эгаллаган, билимли, бир неча тилда эркин сўзлаша олади. Бундай улкан бойликка эга мамлакатнинг келажаги албатта буюк бўлади.

ЎзА мухбирлари Нодира МАНЗУРОВА, Ирода УМАРОВА ёзиб олди.



Кўргазмалар

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР НАМОЙИШИ

«Ўзэкспомарказ»да озиқ-овқат ва қайта ишлаш саноати ускуналарининг XV «WorldFood Uzbekistan – 2015» ҳамда қишлоқ хўжалиги технологияларининг X «AgroWorld Uzbekistan – 2015» халқаро кўргазмалари очилди.

Мазкур кўргазмалар Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликлари, «Ўзулгуржисавдоинвест», Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси, Савдо-саноат палатаси, Фермерлар кенгаши, «Ўзвинсаноат» холдинг компанияси томонидан «ITE Uzbekistan» халқаро кўргазма компанияси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Кўргазмаларда Ўзбекистон, АҚШ, Германия, Испания, Италия, Бельгия, Венгрия, Польша, Исроил, Хитой, Россия, Эрон, Корея, Литва, Эстония, Бирлашган Араб Амирликлари каби 30 га яқин мамлакатдан 180 дан ортиқ компания ўз маҳсулотлари ва хизматлари билан иштирок этмоқда.

Иккита павильон ва очиқ майдонда жойлашган экспозициялар орасида озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимликлар, уруғлар, қишлоқ хўжалиги техникаси, паррандачилик ва чорвачилик маҳсулотларига кенг ўрин ажратилган. Хорижлик иштирокчилар орасида сут ва мевани қайта ишлаш технологиялари, қадоқлаш ва ўраш, музлатиш ускуналари, совутиш, иссиқхона тизимлари, озиқ-овқат, қандолат маҳсулотларини таклиф этаётганлар кўпчиликни ташкил этади.

Литвалик ишбилармонлар гўшт, чой, қаҳва ва қандолат маҳсулотларининг кенг турини, эстониялик ишлаб чиқарувчилар балиқ ва денгиз маҳсулотларини тақдим этмоқда. Германиянинг йирик компаниялари гўштни қайта ишлаш, новвойлик, қадоқлаш ва музлатиш асбоб-ускуналарини, россияликлар гўшт ва сут саноати учун таркибий қисмлар, озиқ-овқат маҳсулотларини қадоқлаш ва ўраш технологияларини, шарбатлар, ичимликларни намойиш этмоқда.

Озиқ-овқат тармоғи ва қишлоқ хўжалигининг ривожи билан танишиш, соҳанинг етакчи корхоналари вакиллари билан музокаралар олиб бориш, жаҳонга машҳур компаниялар билан тажриба алмашишга хизмат қилувчи кўргазмаларда мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларининг сафи йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. «Виникс», «Матимекс Восток», «Мехригиё», «Арома Классик», «Сайхун барака» каби компаниялар озиқ-овқат ва савдо асбоб-ускуналари, ичимликлар, ёғ-мой маҳсулотлари, қандолат, шарбатлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

«AgroWorld Uzbekistan – 2015» халқаро кўргазмасида илк маротаба «Мевалар. Сабзавотлар. Қайта ишлаш. Сақлаш» бўлими ташкил этилди. Улар орасида сабзавот ва мевалар учун турли ҳажмдаги қадоқлар ва ўрамларнинг етакчи ишлаб чиқарувчиси «Sorma Spa», қадоқлаш ва ёрлиқ ускуналарини ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Netpack», «Sinclair», қишлоқ хўжалиги, зоотехника ва агросаноат мажмуаси учун машиналар, бутловчи қисмлар ва жиҳозларни ишлаб чиқарувчиларнинг «Cermas», меваларни назорат қилиш учун жиҳозлар яратувчи «TR», қулупнай, олма, нок етиштирувчи «Vivai Mazzoni» компанияларини учратиш мумкин. Италиялик ишлаб чиқарувчиларнинг стендлари кўпчиликда қизиқиш уйғотмоқда.

(Давоми 4-бетда)

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Наманганда пилла етиштириш мавсумига тайёргарлик кўриш ва юқори самарадорликка эришиш масалаларига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

● Хоразм вилояти Ҳазорасп туманилик тадбиркор Бибисора Отажонова банкнинг 100 миллион сўмлик кредити эвазига тикувчиликка ихтисослашган корхона ташкил этди. Ҳозир бу ерда 12 турдаги кийим-кечаклар ишлаб чиқарилмоқда. 20 нафар қизжувон меҳнат қилаётган корхонада буюртма асосида ҳам аҳолига хизмат кўрсатиляпти.

● Урганч шаҳридаги «Умид мастер» хусусий корхонасида 10 турдаги мебеллар ишлаб чиқарила бошланди. Чинор, қайрағоч, ёнғоқ, гужум дарахтларидан тайёрланаётган маҳсулотлар кўпчиликка манзур бўляпти. 7 нафар малакали ишчи меҳнат қилаётган корхонада офис, ошхона, ётоқхона учун мўлжалланган мебеллар ҳам сотувга чиқариляпти.

● Қашқадарё вилояти Қарши гарнизонига қарашли ҳарбий бўлинмаларда муддатли ҳарбий хизматга чақирилган ёшларнинг тантанали қасамёд қабул қилиш маросими бўлиб ўтди.

● Хива туманидаги «Мирзабоши» хусусий корхонаси томонидан янги меҳмонхона ишга туширилди. «Ичанқалъа» ҳудудида жойлашган меҳмонхона 20 ўринга мўлжалланган бўлиб, бу ерда сайёҳларга барча қулайликлар яратилган.

● Наврўз байрами муносабати билан Қашқадарё вилояти онкология диспансерининг тубдан реконструкция қилинган биноси фойдаланишга топширилди.

● Дунёдаги етакчи телеканаллардан бири — «Euronews» телеканалининг бошқарувчи директори Оливье де Маншеню Самарқанд шаҳрида бўлди. Таъкидлаш лозимки, «Euronews» телеканали дастурлари жаҳоннинг 155 мамлакатига 12 тилда эфирга узатилади. «Ўзбектуризм» миллий агентлиги «Euronews» телеканали билан беш йилдирки ҳамкорликда ишлаб келмоқда. Ўтган йили мазкур телеканал орқали «Самарқанднинг бебаҳо меросини асраб» кўрсатуви эфирга узатилди.

ЖАҲОНДА

● Хитой раҳбарияти охирги йилларда бу мамлакатга хос бўлган жадал иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаш зарур эмас, деб ҳисобламоқда. Хитой бош вазири ўринбосари Чжан Гаоли шундай баёнот билан чиққан. Мутахассисларнинг фикрича, расмий Пекин атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича қонунларни кучайтиришга эътиборини қаратиши лозим. Бу ишлаб чиқариш ўсишининг камайишига олиб келиши мумкин.

● Техас штатидан бўлган республикачи сенатор Тед Круз АҚШ мамлакат президентлиги учун 2016 йил ноябрида бўлиб ўтадиган сайловларда иштирок этишга қарор қилди. «Мен президентлик постини эгаллаш учун ҳаракат қилиб кўраман ва сизнинг қўллаб-қувватлашингизга умид қиламан», деб ёзади Тед Круз ўз твиттерида.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ БАЗАСИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА

25 март куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Депутатлар ўз ишларини иккинчи ўқишдаги қонун ҳужжатларини, жумладан, «Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини муҳокама қилишдан бошладилар. Қонун лойиҳасининг асосий мақсади Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида барча турдаги транспорт воситаларида ташишларни амалга ошириш чоғида йўловчилар ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига етказилган зарар ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш орқали қопланишини кафолатлашдан иборат.

Қонун лойиҳасида ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш субъектлари бўлмиш ташувчи, суғурталовчи, йўловчи ва наф олувчи, яъни йўловчи вафот этган тақдирда суғурта товони олиш ҳуқуқига эга бўлган шахс белгилаб қўйилмоқда. Йўловчиларни ҳамда уларнинг мол-мулкини шаҳар йўловчилар транспортида, темир йўл, ҳаво, автомобиль, дарё транспортида ва бошқа транспортда қонун ҳужжатларига мувофиқ тижорат асосида ташиш бўйича хизматлар кўрсатувчи ва бунинг учун махсус рухсатномага (лицензияга) эга шахс ташувчи этиб белгиланган.

Мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта операцияларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида суғурталовчилар томонидан йўловчилар ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига етказилган зарар учун биргаликдаги мажбурий суғурта қилишни амалга ошириш мақсадида суғурта шерикчилиги тузилади ҳамда суғурта товонининг тўланишини кафолатлаш учун суғурта захираларини шакллантиришга доир талаб жорий этилмоқда.

Ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши мамлакатимиз фуқароларига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш кафолатларини таъминлашга хизмат қилади, шунингдек, ташувчиларнинг йўловчиларга етказган зарарини қоплаш юзасидан харажатларини мақбуллаштириш орқали уларнинг мулкий манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлайди. Бундан ташқари, ушбу қонун лойиҳаси янги иш ўринларини яратишга, суғурта бозори ва транспорт инфратузилмасини ривожлантиришга, кўрсатиладиган хизматлар сифатини оширишга кўмаклашади.

Депутатлар қонун лойиҳасини моддама-модда муҳокама қилдилар.

– Қонун лойиҳасини тайёрлашда фракцияларнинг ҳуқуқий ҳужжатни янада такомиллаштиришга қаратилган таклифлари эътиборга олинди, – дея таъкидлади **Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси аъзоси Қутлимурат Бабашев**. – Шу билан бирга таъкидлаш лозимки, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши йўловчиларни мажбурий шахсий суғурта қилишнинг амалдаги тизими йўловчига ташиш пайтида етказилган зарар кафолатли қопланишини тўлиқ таъминламаслиги, шаҳар ва шаҳар атрофи йўналишларининг йўловчиларига жорий этилмаганлиги, шу туфайли Ўзбекистон ҳудудидаги барча йўловчиларни тўлиқ қамраб олмаганлиги билан боғлиқ.

– Киритилган қонун лойиҳаси фуқароларга етказилган зарарнинг кафолатли тўланишини таъминлаш умумдавлат тизимида муҳим аҳамиятга эга, – дейди **Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси аъзоси Жамила Ниёзова**. – Ушбу ҳужжатнинг қабул қилиниши билан турли даражадаги транспорт ҳодисалари натижасида жабрланган шахсларга етказилган зарарни қоплаш долзарблиги ошади. Қонун лойиҳасининг муҳокамаси давомида биз ҳуқуқий ҳужжатни тайёрлаш жараёнида ҳисобга олинган бир қатор амалий таклиф ва мулоҳазалар киритдик.

– Ушбу қонун лойиҳасини ўз мажлисимизда диққат билан ўрганиб чиқдик, – дея таъкидлади **Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси номидан чиққан Акмал Умаралиев**. – Муҳокама натижаларига кўра, қонун лойиҳасини янада такомиллаштиришга қаратилган аниқ таклифлар ишлаб чиқилди. Шунингдек, биз қонун лойиҳасига мажбурий суғурта шартномасини тузиш шартлари ва тартибини киритиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Ушбу қонун лойиҳаси, шунингдек, янги иш ўринларининг яратилишига, суғурта бозорини ва транспорт инфратузилмасини ривожлантиришга, кўрсатилаётган хизматлар сифатини оширишга хизмат қилади. Бу Ўзбекистон ХДПнинг электорат манфаатларининг ҳимояси борасидаги мақсадларига мос келади.

– Биз қонун лойиҳасининг қабул қилинганидан кейин самарали қўлланилишига қаратилган таклифларни киритдик ва унда мустаҳкамланган ҳуқуқий механизмларнинг такомиллаштирилишини қўллаб-қувватладик, – деди **Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракцияси вакили Жамшид Пирматов**. – Шунингдек, биз ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги учун аниқ ҳуқуқий жавобгарлик белгиланишининг аҳамиятини таъкидладик.

Сўнгра депутатлар «Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар. Амалдаги қонунчиликни янги қонунга мувофиқлаштириш, қарама-қаршиликлар ва такрорланишларни бартараф этиш мақсадида Ҳаво кодексига, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга, «Автомобиль транспорти тўғрисида»ги, «Темир йўл транспорти тўғрисида»ги қонунларга, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга тузатишлар киритилмоқда.

«Радиочастота спектри тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси мажлис кун тартибидаги кейинги масала бўлди. Қонун лойиҳаси радиочастота ресурсидан фойдаланиш хавфсизлиги ва самарадорлиги даражасини ошириш ҳамда радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмалардан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш мақсадида ишлаб чиқилган. Ҳужжат мамлакатимиз радиоэлектрон воситаларининг барқарор ишлашини таъминлашга, радиочастота спектрини бошқариш соҳасидаги давлат сиёсатини такомиллаштиришга қаратилгандир.

Мажлис давомида таъкидлаб ўтилдики, радиочастота спектри давлат тасарруфидаги муҳим, дахлсиз ресурс бўлиб, кўплаб хўжалик юритувчи субъектлар, давлат бошқаруви тизимлари фаолиятининг самарадорлиги, мамлакатимизнинг ахборот хавфсизлиги мазкур соҳани тартибга солувчи қонунчилик базасининг такомиллашганлигига боғлиқ бўлади. Депутатлар мазкур қонун ҳужжатини қабул қилишнинг ўз вақтидалиги ва долзарблигини, унинг миллий радиочастота спектридан самарали фойдаланиш учун янги, янада такомиллашган шарт-шароитни шакллантириш борасидаги муҳимлигини таъкидлаб ўтдилар.

Мажлис кун тартибига биринчи ўқишда иккита қонун лойиҳаси ҳам киритилди. Хусусан, «Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси фуқароларнинг судларга мурожаат этишини соддалаштиришга, электрон ҳужжат айланишини жорий этиш, шу жумладан, судга аризалар ва бошқа ҳужжатларни электрон тизим воситасида жўнатиш тартибини белгилаш йўли билан судларда иш юритишни такомиллаштиришга қаратилгандир.

Ҳужжатнинг қабул қилиниши фуқаролик суд ишларини юритиш тезкорлиги ва қулайлигини янада оширишга, шунингдек, жараён иштирокчиларининг харажатлари ва суд чиқимларини камайтиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишга хизмат қилади.

Муҳокама чоғида билдирилган фикр-мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда депутатлар ушбу қонун лойиҳаларининг асосий қоидаларини маъқулладилар ва уларни биринчи ўқишда қабул қилдилар. Масъул қўмиталарга ҳужжатларни иккинчи ўқишда кўриб чиқиш учун тайёрлаш топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати

29 март — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик жараёни давом этмоқда. «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг 28-моддасига мувофиқ, Марказий сайлов комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди ташвиқоти тўғрисидаги қарори асосида жойларда учрашувлар бўлиб ўтмоқда.

ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ — МУҲИМ ВАЗИФА



Президент сайлови кучли фуқаролик жамиятига асосланган демократик ҳуқуқий давлатнинг ажралмас белгиси, халқнинг хоҳиш-иродаси эркин ифодаланиши, жамият ва давлат ишларини бошқаришда фуқаролар иштирокининг асосий шаклидир.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг барча ташкилотлари томонидан Президент сайловини юксак савияда ўтказиш, партиядан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзоднинг сайловолди ташвиқотини кўтаринки руҳда ўтказиш учун тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Хусусан, шаҳримизнинг Яшнобод туманидаги Тошкент меҳмонхона хўжалиги касб-ҳунар коллежи ва Миробод туманидаги Тошкент Фармацевтика институтида ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД ҲОТАМЖОН КЕТМОНОВНИНГ ишончли вакили Ҳайдар Бобохоновнинг сайловчилар билан учрашуви ҳам савол-жавобларга бой тарзда ўтди.

Тадбирларда корхона, ташкилот, ўқув муассасалари ходимлари, маҳаллалар фаоллари, ёшлар ҳамда халқаро кузатувчилар иштирок этди.

Йиғилишни 167-сайлов участкаси раиси Зулфия Ералиева кириш сўзи билан очиб, юртимизда катта сиёсий жараён — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига қизғин тайёргарлик кетаётганлигини таъкидлаб ўтганидан сўнг, Ҳайдар Бобохонов ўз чиқишида Ҳотамжон Кетмоновнинг таржимаи ҳоли, меҳнат фаолияти ҳамда Сайловолди дастурининг муҳим йўналишлари билан иштирокчиларни таништириб ўтди.

Айтиш керакки, номзоднинг Сайловолди дастурида асосий устуворлик кўпчилик аҳоли, аввалambор, давлат ва жамият томонидан қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд бўлган қатламлар манфаатлари йўлида меҳнатга лаёқатли аҳолининг муносиб ҳақ тўланадиган иш ўринларига эга бўлишга интилишини қўллаб-қувватловчи, уларнинг шахсий ташаббускорлиги ва ишбилармонлигини рағбатлантирувчи кучли ижтимоий сиёсатни юритиш; мустақил ҳаётга кириб келаётган ёшларга, уларнинг ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, касб танлаш, таълим олиш ва ўқув муассасаларини битиргач, албатта, биринчи иш ўринларига эга бўлишлари учун адолатли, тенг ва ижтимоий жиҳатдан мақбул шарт-шароитларни яратиш; шунингдек, пенсионерлар, меҳнатга лаёқатсиз ногиронлар, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ва меҳнатга лаёқатсиз аҳолининг бошқа ижтимоий гуруҳлари ҳаётий эҳтиёжларини тўлиқ қондиришни кафолатловчи пенсия таъминоти ва ижтимоий нафақаларнинг самарали тизимини шакллантириш ҳисобланади.

Мазкур масалалар жамиятнинг барча аъзолари учун ҳар томонлама ривожланиш ва ишончли ижтимоий кафолатларни таъминлашга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Бу борада аҳоли бандлигини таъминлаш тизимини доимий равишда такомиллаштириб боришга алоҳида эътибор қаратилган.

Бунда бандлик соҳасидаги сиёсатни янада такомиллаштиришнинг устувор йўналиши муносиб иш ҳақи тўланадиган барқарор иш ўринларини тақдим этаётган корхоналарда аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатларини янада фаоллаштириш ниҳоятда муҳимдир. Улар қаторига, аввалambор, ишлаб чиқариш соҳасининг юқори технологик тармоқ корхоналари, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида фаолият юритаётган корхоналар ва ташкилотлар киради. Ҳотамжон Кетмоновнинг Сайловолди дастурида ушбу соҳаларга мамлакатда мавжуд бўлган бўш меҳнат ресурсларини фаол жалб қилиш иқтисодий ўсишнинг муҳим омили эканлигига алоҳида эътибор қаратилган.

Шунингдек, номзод касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига имтиёзли микрокредитларни тақдим этиш, ўз бизнесини очишда белгиланган йиғимлардан озод қилиш орқали уларнинг мустақил бандлигини таъминлаш ҳамда якка тартибдаги меҳнат ва тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш учун мақбул шароитлар яратиш лозим деб ҳисоблар экан, истиқболли ишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантириш бўйича инвестиция дастурларини ишлаб чиқишда ўрта махсус касб-ҳунар ва олий маълумотли мутахассисларни тайёрлаш дастурлари ҳамда ҳудудий бандлик дастурлари билан ўзаро боғлиқ комплекс ёндашувни таъминлаш зарурлигига эътиборни қаратади.

Бу борада тегишли мутахассисларга бўлган эҳтиёжидан келиб чиқиб, кадрлар тайёрлаш учун олий ўқув юртларида таълим контрактларини тўлаётган корхона ва ташкилотларни рағбатлантириш самарадорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур жараёнда муносиб иш ҳақи ва меҳнат шароитига эга бўлган қўшимча барқарор иш ўринлари яратаётган тадбиркорлик субъектларининг манфаатдорлигини оширишга хизмат қилувчи солиққа тортиш тизимини мақбуллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар кўриш кераклигига аҳамият берилади

Шунингдек, аҳолини шинам ва ҳар томонлама қулай уй-жой билан таъминлаш муҳим масаладир. Шундан келиб чиққан ҳолда, номзоднинг дастурида уй-жойларнинг ижтимоий мақбуллигини таъминлаш мақсадида, давлат мулкини хусусийлаштиришдан олинадиган маблағларнинг ижтимоий тураржой фондини шакллантиришга йўналтириладиган қисмидан самарали фойдаланиш механизмларини янада такомиллаштиришни таъминлаш зарурлигига эътибор қаратилган.

Бундан ташқари, Сайловолди дастурида тармоқ муҳандислик инфратузилмаси билан боғлиқ бўлмаган коммунал хизматлар кўрсатишнинг арзон шаклларини ривожлантириш орқали аҳолига кўрсатиладиган хизматлар нархини мақбуллаштириш, табиий монополия субъектлари томонидан аҳолига тақдим этиладиган коммунал хизматлар — электр ва иссиқлик энергияси, газ таъминоти, ичимлик суви билан таъминлашга доир нархлар ва тарифларнинг давлат томонидан тартибга солиниши механизмларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этиши таъкидланган.

Шунингдек, Сайловолди дастурида истиқболли корхоналар ва ишлаб чиқариш комплексларининг иқтисодий ривожланиши учун бўш меҳнат ресурсларини жалб қилиш барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлашнинг қўшимча омилига айланишига эришиш муҳим аҳамиятга эга эканлиги баён этилган. Бунинг учун қуйидагилар таклиф этилади:

— маҳаллий хомашё ва материалларни қайта ишлаш корхоналарини улар томонидан ички ва ташқи бозорда рақобатбардош, юқори қўшимча қийматга эга истеъмол товарларини ишлаб чиқаришини иқтисодий ва молиявий рағбатлантириш ва имтиёзли кредитлаш самарадорлигини ошириш;

— ўз ишлаб чиқариши ҳисобига ички бозорни мақбул тарзда тўлдиришга эришишга қаратилган товарлар ва хизматларни ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун ҳудудий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари масъулиятини ошириш бўйича чора-тадбирлар кўриш;

— мамлакатда ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича қишлоқ жойларида оилавий тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантиришни рағбатлантиришни кучайтириш асосий вазифалар сирасига киради.

Шундан сўнг «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ «Халқаро почтамт» филиали участка бошлиғи Искандар Нурмуҳамедов, 1-сонли Республика клиник шифохонаси бош шифокори, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Азиз Ибрагимов, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг бўлим мудири Маҳмуджон Исаевлар номзоднинг Сайловолди дастури ва унда илгари сурилаётган масалалар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтдилар. Жумладан, мамлакатимизда аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларни қўллаб-қувватлаш партия Сайловолди платформасида асосий йўналиш сифатида белгилаб олинганлигини, Ҳотамжон Кетмонов Ўзбекистон ХДП Сайловолди дастуридан келиб чиқиб, давлат ва жамият томонидан манзилли ижтимоий ҳимоя ҳамда ижтимоий қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд аҳоли қатламлари, жумладан, пенсионерлар ва ногиронлар, шунингдек, уларни ижтимоий муҳофаза қилиш билан шуғулланадиган бюджет ташкилотлари ходимлари, ижтимоий соҳа вакиллари манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилишда фаол иштирок этишни ўзининг муҳим вазифаси деб ҳисоблашини эътироф этдилар.

Фикр-мулоҳазалар билдирилганидан сўнг, сайловчилар, жумладан, тумандаги Ойбек номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси Гулнора Джепарова, «Афросиёб» маҳалласи фаоли Комилжон Фозилов, Тошкент Фармацевтика институти талабалари Суннатилла Толипов, Шаҳзода Қурбоновалар Сайловолди дастури бўйича ўзларини қизиқтирган саволлар билан номзоднинг ишончли вакилига мурожаат қилиб, атрофлича жавоб олдилар.

Тадбирларда сайловчилар Президент сайловида фаоллик кўрсатишига даъват этилди.

Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар Кенгаши матбуот хизмати

МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШДАН — МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШ САРИ



Мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим сиёсий жараён — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик ҳал қилувчи босқичга кирди. Хусусан, сиёсий партиялардан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодлар ва уларнинг ишончли вакиллари корхона, ташкилот, маҳалла ва ўқув муассасаларида сайловолди ташвиқотини уюшқоқлик билан олиб бормоқдалар. Ўз Сайловолди дастурларининг мақсад ва вазифаларини кенг жамоатчиликка тушунтирмоқдалар.

ЎЗБЕКИСТОН «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД АКМАЛ САИДОВНИНГ ишончли вакили Феруза Муҳитдинованинг Шайхонтоҳур туманидаги Меҳмонхона хўжалиги ва сервис касб-ҳунар коллежида сайловчилар фаоллигида ўтган учрашувида юқоридаги мақсадлар доирасида фикр юритилди.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Тошкент шаҳар ва туман Кенгаши вакиллари, депутатлар, маҳалла ва ўқув муассасалари фаоллари, талаба-ёшлар иштирок этган ушбу тадбирда Ф.Муҳитдинова номзоднинг дастури билан сайловчиларни таништирди. Сайловолди дастурида партиянинг дастурий мақсад-вазифалари ва ғояларининг тўлиқ қамраб олингани алоҳида аҳамият касб этишини таъкидлади. Сайловолди дастурида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ёшлар маънавиятини юксалтириш, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги имижини ошириш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган. Номзод Акмал Саидовнинг дастурида мамлакатимиз миллий манфаатларини қатъий ҳимоя қилиш, халқимизнинг маданияти ва санъати ютуқларини кенг миқёсда тарғиб этиш, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва юридик шахсларининг хорижий давлатларда ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳар томонлама ҳимоя қилинишини таъминлаш каби долзарб вазифаларни амалга ошириш ўз аксини топган.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон тарихини холисоналик тамойилларига асосланган тарзда узлуксиз ва тизимли ўрганиш, ўзбек халқининг тарихий ўтмиши ва бугунги кунини баҳолашда бирёқлама ёндашувларга, нохолисликка йўл қўймаслик, юртимиз тарихини бузиб, сохталаштириб талқин этишга йўл қўймаслик лозим.

Ёшлар онгини халқимиз маънавиятига ёт бўлган «оммавий маданият»нинг салбий таъсиридан муҳофаза қилиш мақсадида ёшларни миллий тикланиш ғояси, миллий маданият ва қадриятларни эъзозлаш руҳида тарбиялашимиз даркор.

Давлат тилини бойитиш ва такомиллаштиришга, тилимизнинг ўзаро муомала маданияти сифатидаги ўрни ва мақомини янада юксалтиришга йўналтирилган чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш, оммавий муомалада ўзбек адабий тили меъёр ва қоидалари бузилишининг олдини оладиган аниқ мақсадли ишларни олиб бориш талаб этилади.

Камол топиб келаётган авлодни, биринчи навбатда, китобга муҳаббат руҳида тарбиялаш, уларда матбаачилик маҳсулотларига қизиқишни кучайтириш, Ўзбекистон халқининг тарихи, маънавий-маданий меросига доир адабиётларни нашр этиш билан шуғулланаётган муаллифлар, босмахоналар, нашриётларни иқтисодий жиҳатдан рағбатлантириш, уларга солиқ ва бошқа тўловлар бўйича имтиёзлар бериш муҳимдир.

Оила ва оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш, ёш оилаларга ғамхўрликни ошириш бўйича кенг кўламли ишларни изчил давом эттириш зарур.

Шунингдек, суд-ҳуқуқ соҳасини янада демократлаштиришга эътибор қаратилиб, бир қатор устувор вазифалар белгилаб қўйилган.

Аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини юксалтиришимиз даркор. Зеро, ҳуқуқий маданият ва инсон ҳуқуқлари маданияти юксаклиги миллий ҳуқуқий тизим етуклигининг асосий кўрсаткичи ҳисобланади.

Мамлакатда ҳуқуқий таълим тизимини янада такомиллаштириш, Конституция ва инсон ҳуқуқлари ҳамда демократия асосларини узлуксиз ўрганиш тизимини ривожлантиришга қаратилган тизимли ва изчил чораларни кўриш керак.

Жиноий қонунчиликни янада либераллаштириш ва инсонпарварлаштириш, айрим жиноятларни дикриминализациялаш сиёсатини давом эттириш зарур.

Оила, мерос, уй-жой даъволари ва маиший турмушда учраб турадиган айрим низоларни судгача ҳал этиш тизимини ривожлантириш, шу жумладан, ҳар қандай низони тинч йўл билан ҳал этишга интилиш ва муроса йўлларини излаш жоиздир.

Фуқароларимизнинг серташвиш суд мажлисларига кўп ҳам хоҳиш-истаги йўқлигини инобатга олиб, бу борада маҳалла, васийлик ва ҳомийлик органлари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг хизматидан фойдаланишни ривожлантириш керак.

Номзоднинг Сайловолди дастурида белгиланган ҳар бир мақсад ва вазифага мамлакатимиз миллий манфаатлари ҳамда халқимизнинг ўлмас қадриятларидан келиб чиқиб ёндашилган. Унда ривожланишнинг устувор йўналиши сифатида жамиятимизнинг маънавий-маърифий соҳалардаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, тарихий, маданий ва интеллектуал меросимиз, қадрият ва анъаналаримизни асраб-авайлаш ҳамда ривожлантириш, ёш авлодни миллий тикланиш ғоясига ҳурмат руҳида тарбиялаш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланган.

Унда жамиятимизнинг ахлоқий ва маънавий асослари устуворлигини мустаҳкамлаш, маънавий-маърифий соҳалардаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш, иқтисодиётни, ахборот соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари назарда тутилган.

Хусусан, Ўзбекистоннинг маданий ёдгорликлари, шаҳарларининг миллий қиёфасини сақлаб қолиш, бутун инсониятнинг тарихий-маданий мероси бўлган тарихий объектлар, архитектура ёдгорликларини асраб-авайлаш ва қайта таъмирлашга алоҳида аҳамият қаратилган.

Дастурда Ўзбекистоннинг кўп асрлик тарихи ҳамда нодир маданий-тарихий меросини тарғиб қилиш учун туризм индустриясини ривожлантириш ва юртимизни жаҳон туризми марказларидан бирига айлантириш, шунингдек, мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга урғу берилган. Жумладан, сайёҳлик инфратузилмасини янада ривожлантириш, улар учун мўлжалланган объектларнинг ҳар томонлама мақбул бўлиши, транспорт ва меҳмонхона хизматлари ҳамда сайёҳлик логистикасини такомиллаштириш, туризм индустрияси билан боғлиқ хизматларнинг турли соҳаларига замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш асосий вазифалар сифатида белгиланган.

Учрашувга таклиф этилган сайловчилар номзоднинг Сайловолди дастури юзасидан ўзларини қизиқтирган саволларни бериб, таклифларини билдиришди. Шунингдек, ЎзМТДП Тошкент шаҳар Кенгаши раиси ўринбосари Д.Сафаров ҳамда ЎзМТДП Тошкент шаҳар Кенгаши девони етакчи мутахассиси О.Иброҳимхонов ва бошқалар сўзга чиқиб, номзоднинг дастури бўйича ўз фикрларини билдирдилар ва барча сайловчиларни 2015 йил 29 март куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этишга чақирдилар.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши матбуот хизмати

29 март — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик жараёни давом этмоқда. «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг 28-моддасига мувофиқ, Марказий сайлов комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди ташвиқоти тўғрисидаги қарори асосида жойларда учрашувлар бўлиб ўтмоқда.

КЕНГ КЎЛАМЛИ ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИШ — УСТУВОР ЙЎНАЛИШ



Айни кунларда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Президентликка номзодлар ва уларнинг ишончли вакиллари сайловолди тарғиботини кенг кўламда олиб бормоқдалар.

Жумладан, ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ — ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ишончли вакиллари сайлов қонунчилигига мувофиқ, ҳудудларда сайловолди ташвиқоти доирасида сайловчилар билан учрашувлар ўтказмоқдалар.

Юнусобод туманидаги «Пойтахт» бизнес маркази ва Яккасарой туманидаги 144-умумтаълим мактабида номзоднинг ишончли вакили Зайниддин Низомхўжаевнинг сайловчилар билан учрашуви бўлиб ўтди.

Тадбирларда партиянинг шаҳар ва туман Кенгаши масъул ходимлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари шаҳар Кенгаши депутатлари, партия фаоллари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.

Йиғилишларда ишончли вакил З.Низомхўжаев Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Каримовнинг таржимаи ҳоли ва Сайловолди дастури билан тадбир иштирокчиларини таништириб ўтди.

Таъкидлаб ўтилганидек, дастурда мамлакатимизда барча соҳаларда олиб борилаётган кенг кўламли иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни янги босқичга кўтаришнинг устувор йўналишлари белгилаб берилган. Жумладан, саноатни диверсификация ва модернизация қилиш ҳисобидан иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, хусусий мулк ва тадбиркорлик ривожи йўлидаги барча тўсиқларни бартараф этиш, давлатнинг иқтисодиётдаги улушини қайта кўриб чиқиш, маҳаллийлаштириш дастурларини кенгайтириш, инвестициявий муҳитни янада яхшилаш каби муҳим масалалар қамраб олинган. Аҳоли бандлигини таъминлаш, биринчи навбатда, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш, чет давлатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлашнинг зарурлиги таъкидланган.

Тошкент шаҳри барча соҳалардаги тараққиёти, энг замонавий технологиялар билан жиҳозланган корхоналари, муҳташам иншоотлари, машҳур илм-фан марказлари, сўлим боғ ва хиёбонлари билан дунёга машҳур.

Иқтисодиётнинг барча тармоқларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар пойтахтимиз салоҳиятини юксалтириш, аҳоли ҳаёт фаровонлигини муттасил оширишда асосий омил бўлмоқда.

Дастурда айтилганидек, таркибий ўзгаришлар сиёсатини олиб бориш, саноатни диверсификациялаш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик модернизация қилиш, ахборот-коммуникация тизимларини кенг жорий этиш ҳисобидан иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишни таъминлаш 2015 йилда ва ундан кейинги даврда энг устувор вазифа бўлиб қолади.

Шунингдек, хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик ривожи йўлидаги барча ғов ҳамда тўсиқларни олиб ташлаш, бу соҳага тўлиқ эркинлик бериш, иқтисодиёт ва бошқа соҳаларда давлатнинг иштирокини қайта кўриб чиқиш, ирригация ҳамда мелиорация ишларини давом эттириш, ерларнинг унумдорлигини янада ошириш, экин майдонлари таркибини оптималлаштириш, энг янги агротехнологияларни жорий қилиш, фермерлик ҳаракатини янги ривожланиш босқичига олиб чиқиш масалалари бундан буён ҳам доимий эътиборда бўлиши қайд этилган.

Бугунги кунда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 56 фоизи шу соҳага тўғри келмоқда, иш билан банд аҳолининг 75 фоизи мазкур тармоқда меҳнат қилмоқда.

Яқин истиқболда хусусий тадбиркорлар учун ресурсларни очиқ биржа ва ярмарка савдолари орқали сотиш ҳажмини кенгайтириш ҳисобидан хомашё ресурсларидан фойдаланиш механизмини тубдан қайта кўриб чиқиш, уни янада соддалаштириш, очиқ-ошкора бўлишига алоҳида эътибор қаратилади.

Хусусий мулкдорларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда суд органлари ролини ошириш, давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат қилувчи органлар масъабдор шахсларининг тадбиркорлик субъектларининг хўжалик ва молиявий фаолиятларига ноқонуний аралашуви учун жавобгарлигини кучайтириш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Маҳаллийлаштириш ва импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш дастурини амалга ошириш, саноатга инвестиция жалб қилишни янада кенгайтириш, бандликни таъминлаш, аввало, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш, аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини янада изчил ошириб бориш масалаларига ҳам муҳим эътибор қаратилади.

Жамиятимизда тинчлик ва барқарорликни, миллатлар ва фуқаролараро тотувликни, бағрикенглик ва ўзаро ҳурмат муҳитини янада мустаҳкамлаш бизнинг устувор вазифамиз бўлиб қолади.

«Юксак маънавият – енгилмас куч» деган ҳаётий ҳақиқатдан келиб чиққан ҳолда бой тарихимиз, бебаҳо меросимизни асраб-авайлаш, атрофлича ўрганиш ва тадқиқ этиш, биз қандай буюк зотларнинг авлоди эканимизни чуқур англаб, аждодларимизнинг шонли анъаналарини давом эттириш, ёшларимизни миллий ва умумбашарий қадриятлар, меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик руҳида тарбиялаш барчамиз учун долзарб вазифа бўлиб қолади.

Фақатгина халқимизнинг мардлиги ва матонати, жонкуярлиги ва қатъияти, энг муҳими, келажагимизни қуришда ўз кучига, эртанги кунга бўлган юксак ишончи олдимизга қўйган мақсадларга эришишнинг мустаҳкам пойдеворидир.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Дилором Файзиева, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати, «Тошшаҳартрансхизмат» акциядорлик компанияси бошқарув раисининг ўринбосари Ҳосил Холматов, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати, Нодавлат нотижорат ташкилотларининг миллий ассоциацияси раиси Санжар Ҳамидуллаев, Марказий банк ходими, партия фаоли Билол Йўлдошевлар сўзга чиқиб, Юртбошимиз раҳнамолигида ҳамма йўналишда амалга оширилаётган кенг кўламдаги бунёдкорлик ишлари тўғрисида, эл-юртимизнинг бугунги фаровон ҳаёти, мамлакатимизнинг дадил қадамлар билан олдинга интилаётгани, шаҳар ва қишлоқларимизнинг замонавий қиёфа касб этиб, тобора гўзал ва обод бўлиб бораётгани, диёримизнинг эртанги кунига, ўз келажагига ишонган, жисмоний ва маънавий жиҳатдан баркамол авлод вояга етаётгани, давлатимиз томонидан ёшларга берилаётган эътибор, мустақиллик туфайли мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида олиб борилаётган узоқни кўзланган ва оқилона сиёсат, мамлакатда тинчлик ва миллатлараро тотувликнинг қарор топганлиги ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтдилар.

Шунингдек, сўзга чиққанлар Президент сайловига тайёргарлик жараёни миллий қонунчилигимиз ва халқаро демократик тамойилларига тўла мос равишда ўтаётганини қайд этдилар ва сайловчиларни 29 март куни бўладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этишга чақирдилар.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши матбуот хизмати

ИНСОН МАНФААТЛАРИ — ОЛИЙ ҚАДРИЯТ



Мамлакатимизда муҳим сиёсий воқеа — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни тобора яқинлашмоқда. Барча партиялардан кўрсатилган номзодлар ва уларнинг ишончли вакиллари жойларда сайловолди ташвиқотини олиб бормоқдалар.

Ушбу жараёнда ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД НАРИМОН УМАРОВНИНГ ишончли вакиллари корхона, ташкилот, муассаса ва маҳаллаларда учрашувлар ўтказиб, номзоднинг Сайловолди дастурида илгари сурилган мақсад-вазифаларни сайловчилар орасида кенг тарғиб қилиб, сайловолди ташвиқотини амалга оширмоқдалар.

Хусусан, Олмазор туманидаги 28-умумтаълим мактаби ва Юнусобод туманидаги шаҳар Ўсмирлар диспансерида номзоднинг ишончли вакили Парида Парманованинг сайловчилар билан учрашуви бўлиб ўтди.

Тадбирларда халқ депутатлари шаҳар Кенгаши депутатлари, партия фаоллари, корхона, ташкилотлар ходимлари, ўқув муассасалари талаба-ёшлари иштирок этди.

Номзоднинг ишончли вакили сайловчиларни номзоднинг таржимаи ҳоли билан таништириб, Сайловолди дастуридаги устувор йўналишлар ҳақида атрофлича сўзлаб берди.

— Наримон Умаров дастурининг мазмун-моҳияти, тузилиши, устувор йўналишлари ҳамда унда илгари сурилган ғоялар «Адолат — ҳаётимизнинг бош мезони, адолат — ҳар бир инсон учун» тамойилларига асосланувчи Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг дастурий вазифаларидан келиб чиққан, — деди жумладан П.Парманова. — Дастурда инсон мамлакатнинг асосий бойлиги сифатида баҳоланиб, унинг ҳуқуқ ва манфаатлари олий қадрият даражасига кўтарилган.

Дастурда ёшидан, миллатидан, ижтимоий-иқтисодий аҳволи, келиб чиқишидан қатъи назар, барчага тенг имкониятлар тақдим этиш, ижтимоий адолат тамойиллари, фуқаролар ҳуқуқлари, қонуний манфаат ва эркинликларини ҳимоя қилиш номзод учун қонун устуворлигини таъминлашнинг муҳим омили сифатида белгиланган.

Шунингдек, ишончли вакил иштирокчилар эътиборини номзод дастуридаги демократик қадриятларнинг мустаҳкамланиши ҳамда ривожланиши, жамиятда адолат, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг жамиятда кечаётган жараёнларга таъсир кўрсата олиш имкониятларини кенгайтириш устувор вазифа этиб белгиланганлигига қаратди.

Дастурдан «Ислоҳот — ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун» тамойилига амал қилган ҳолда, аҳоли турмуш сифати кўрсаткичларини янада яхшилаш шарти бўлган давлат ижтимоий дастурларини татбиқ қилишни давом эттириш, анъанавий социал-демократиянинг ижтимоий адолат тамойили ва кенг кўламли ижтимоий дастурларнинг амалга оширилишини таъминлайдиган кучли давлат ғоясини қўллаб-қувватлашга доир вазифалар ўрин олган.

Айни пайтда ижтимоий-иқтисодий масалаларни фақат давлат ҳокимияти органларининг самарали саъй-ҳаракатлари билан ҳал этиб бўлмаслигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Шу сабабли номзоднинг дастурида ходимлар ва иш берувчилар ўртасидаги ижтимоий шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш, корхоналарда ходимларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш, бизнес тузилмаларнинг ижтимоий масъулиятини янада ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилган.

Қолаверса, дастурда меҳнат бозори эҳтиёжидан келиб чиқиб, мутахассисларни тайёрлаш масаласига алоҳида урғу берилмоқда. Унга кўра, Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси сифатли бепул таълим олиш имкониятига эга ва меҳнатига муносиб ҳақ тўланадиган иш топиши, малакали мутахассис бўлиши, имконияти бўлса, ўзининг ишини яратиши зарур.

Бинобарин, ўрта ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган умумдавлат иқтисодий дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш, яъни ижтимоий йўналтирилган иқтисодий лойиҳа ва дастурларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ғояси илгари сурилган.

Сайловолди дастуридан ўрин олган инновацион иқтисодиётни ривожлантириш ғояси бугунги кун учун жуда долзарб эканлиги, янги технологияга асосланган иқтисодиёт давлатимиз қудратини ошириши, ижтимоий соҳанинг тараққий этишига хизмат қилиши таъкидланди.

Учрашув давомида ижтимоий тараққиёт дастурларини кенг жамоатчилик иштирокида экспертизадан ўтказиш, биринчи навбатда, туман ва шаҳарлар миқёсида жамоатчилик назорати юзасидан чора-тадбирларни амалга ошириш, шу билан бирга, ижтимоий аҳамиятга молик фуқаролик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти учун янада қулай шароитлар яратиш ҳамда ННТнинг соғлиқни сақлаш, таълим, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳаларидаги муаммоларни ҳал қилишдаги иштирокига эътибор қаратиш каби таклифлар иштирокчиларда қизиқиш уйғотди.

Шундан сўнг номзоднинг Сайловолди дастури бўйича Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Олмазор туман Кенгаши раиси Диляра Мендибекова, Ўзбекистон Миллий университети қошидаги 2-сон академик лицей ўқитувчиси Шерзод Муҳамедов, Республика Дерматология ва венерология институти бош шифокори Алишер Абидов, партия фаоли Абдулазиз Носиров, Тошкент Педиатрия-тиббиёт институти «Камолот» ЁИҲ бошланғич ташкилоти раиси, Тошкент шаҳар ўсмирлар диспансери шифокори Сайёра Айходжаева, «Минор» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ўткир Мухамеджановлар сўзга чиқдилар ва дастурда илгари сурилган жамиятда қонун устуворлиги ҳамда ижтимоий адолат тамойилларини таъминлаш, иқтисодиётнинг ижтимоий йўналтирилишини кучайтириш, соҳага инновацияларни жорий қилиш, кадрларни мақсадли тайёрлаш, фуқаролик жамияти институтларининг ролини ошириш ҳамда ташқи сиёсатда миллий манфаатлар устуворлигини таъминлаш каби устувор вазифалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Учрашувда иштирок этган сайловчилар саволларига батафсил жавоб олдилар.

Тадбирларда барча сайловчилар ўз фуқаролик ҳуқуқидан фойдаланган ҳолда сайловда якдиллик билан қатнашишга даъват этилди.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши матбуот хизмати

Ўлкамизда Наврўз шукуҳи





Шаҳримизнинг барча гўшалари, маҳалла, корхона ва ташкилотларида халқимиз бағрини кенг очиб, «Хуш келибсан, Наврўзи олам!» дея яшариш ва янгиланиш айёмини катта хурсандчилик билан кутиб олди.

ДИЛЛАРДА ШОДУ ХУРРАМЛИК

Жумладан, Чилонзор туманидаги 1-Тошкент педагогика коллежи ҳамда «Мустанг» тантаналар уйи, Маънавият тарғибот маркази Чилонзор туман бўлими, туман Маданият ва спорт ишлари бўлими, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлинмаси билан ҳамкорликда «Ҳар кунимиз Наврўз бўлсин!» дея номланган маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

«Мустанг» тантаналар уйига «Чўпон ота» маҳалласида истиқомат қилувчи ёши улуғ отахонлар, мўътабар онахонлар, маҳалла фаоллари, ўқувчи-ёшлар таклиф қилинди.

Тадбирда сўзга чиққанлар барчани байрам билан табриклаб, Наврўз айёмида халқимиз орасида кенг тарқалган удумлар, анъаналар эъзозланиши, хайру саховат, кексалар дуосини олиш, бева-бечораларга ёрдам қўлини чўзиш каби қадриятларимиз намоён бўлишини таъкидлашди.

— Наврўз байрами энг аввало, ўзлигимизни англаш, ҳаммамиз учун мўътабар шу заминда, ҳар бир хонадонда тинчлик-осойишталик, барқарорликни сақлаш, юртимизда адолат, инсоф, дину диёнат, меҳру оқибатни қарор топтиришдир, — дейди Маънавият тарғибот маркази Чилонзор туман бўлими раҳбари Гулчеҳра Досметова. — Бундай байрамларни шоду хуррамликда нишонлаш ҳаммамизга насиб қилаверсин, асосийси, юртимиз янада гуллаб яшнасин. Жорий йилнинг «Кексаларни эъзозлаш йили» деб номланиши ҳам бежиз эмас. Кексаларни эъзозлаш, асраб-авайлаш ҳар биримизнинг фарзандлик бурчимиз ҳисобланади. Хонадонларимизда нуроний отахон ёки онахон бўлса, бу гўшада албатта файзу барака, аҳиллик ҳукм суради. Тадбир давомида ҳам ёшларимизга миллий анъаналаримизни асраб-авайлаш, ёши улуғ инсонларга ҳурмат кўрсатиш муҳимлиги яна бир бора таъкидлаб ўтилди.

Тадбирда «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси хонандаларидан Нусратилла Шарипов, Ислом Шоҳ, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоларидан шоира Фароғат Худойқулова, шоир Абдураззоқ Обрўй ва бошқа бир қанча ижод аҳли иштирок этиб, куй-қўшиқлар ижро этилди, шеърлар ўқилди, асосийси, иштирокчиларга байрамона кайфият улашилди.

Зафар НАЗАРОВ
Козим Ўлмасов олган суратлар

БАҲОР ВЕРНИСАЖИ

Ўзбекистон Бадиий академиясининг Икуо Хираяма Халқаро маданият карвон саройида таниқли рассом Радик Азизовнинг Наврўз байрамига бағишланган «Баҳор вернисажи» номли шахсий кўргазмаси очилди.

Карвон саройнинг катта ва кичик залларига рассомнинг 100 дан ортиқ асарлари қўйилган бўлиб, улардаги ранглар жилоси ва уйғунлиги, юмор ва ҳаёт фалсафаси, тарихий қадриятлар тасвири томошабинни бефарқ қолдирмайди. Экспозициядан ихлосмандларда қизиқиш уйғотаётган «Биринчи қор устида», «Оила», «Она ва бола», «Мангуст билан бола», «Шаршарага тилак», «Ғирашира пайт», «Ҳамоҳанглик», «Шоколадли кун», «Омаднинг паст-баланди», «Иқрорлик», «Ижод дунёси» каби асарлар ўрин олган.

Р.Азизов 1965 йилда таваллуд топган. Республика рассомлик билим юртида, Тошкент театр ва рассомлик институтида ўқиган. Республика ва халқаро кўргазмалар, танловлар қатнашчиси. Тошкентда ва хорижда шахсий кўргазмалари ўтказилган. Ўзбекистон Бадиий академиясининг Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси. Ҳар йили Халқаро кулги кунига бағишлаб ўтказиладиган кўргазмаларнинг ташкилотчиси.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР НАМОЙИШИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

– Хўжалигимиз чорвачиликка ихтисослашган, – дейди Андижон вилояти Булоқбоши туманидаги «Шарофбой» фермер хўжалиги раҳбари Ҳасанбой Абдураҳмонов. – Шу кунларда маккажўхоридан омихта ем тайёрлайдиган технологияга эҳтиёж сезаётирмиз. Шу сабаб кўргазмада намойиш этилаётган чорва озуқаси ишлаб чиқаришга ихтисослашган замонавий ускуналардан бири бизга маъқул келди. Уни харид қилиш учун шартнома имзоладик.

Ўтган йили мамлакатимиз деҳқон ва фермерлари 8 миллион 50 минг тонналик улкан ғалла хирмонини барпо этди. Экин майдонлари тузилиши ўзгариши туфайли 2012-2014 йилларда сабзавот етиштириш 16,3, полиз маҳсулотлари 16,6, мевалар 21 фоизга ошди. Кейинги йилларда қарийб 50 минг гектар майдонда янги боғлар, 23 минг гектар ерда узумзорлар барпо этилди. Боғлар ва сабзавот экинлари майдонлари кенгайиши ана шундай маҳсулотларни етиштириш ва қайта ишлашга бўлган қизиқишни янада оширмоқда.

Самарқанд вилояти Жомбой туманидаги «Мароқанд мева-сабзавот» фермер хўжалиги 650 гектар майдонда интенсив боғ яратган. 50 гектарда олма, нок, гилос, ўрик, олхўри каби мевали дарахт кўчатлари етиштирилмоқда. Хўжалик боғ ташкил қилиш истагидаги қизиқувчиларга ўз хизматларини таклиф этмоқда.

– Буюртма асосида кўчатларни экишдан тортиб, ҳосилни сақлашгача бўлган жараёнда жамоамиз кўмаклашади, – дейди фермер хўжалиги агрономи Шуҳрат Абброров. – Кўчатлар экилгач, уларнинг ривожланиши учун керакли симбағизлар тизими яратилиб, қуёш ва дўлга қарши махсус сеткалар, томчилатиб суғориш тизими ўрнатилади. Керакли жиҳозларнинг барчаси ўзимизда, маҳаллий хомашёдан ишлаб чиқарилмоқда.

«Паррандачилик», «Боғдорчилик» ва «Чорвачилик» бўлимларида товуқхоналар учун ускуналар, қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари, балиқлар, майда қисқичбақалар, уй ҳайвонлари учун омихта ем ишлаб чиқариш бўйича заводларни барпо этиш ва ишга тушириш, сервис хизмати кўрсатиш, ғаллани сақлаш ва қайта ишлаш бўйича технологияларнинг кенг турлари намойиш этилмоқда.

– Ўзбекистон иқтисодиёти барқарор ривожланмоқда ва бу мана шундай халқаро кўргазмаларда яққол намоён бўлмоқда, – дейди Индонезиянинг мамлакатимиздаги элчихонаси ходими Доданг Рахмат. – Юртингиздаги корхоналар томонидан тақдим этилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари харидоргир, энг муҳими, халқаро сифат стандартларига мос. Бугунги кўргазмада чой, қаҳва, турли шарбатлар, кофе, тез тайёрланувчи лапша ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган ўндан ортиқ компаниямиз иштирок этмоқда. Улар Ўзбекистондаги турдош корхоналар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш ниятида.

– Кўргазмада икки мингдан ортиқ фермер ва деҳқон хўжаликлари вакиллари иштирок этмоқда, – дейди Ўзбекистон Фермерлари кенгаши раиси ўринбосари Ф.Қулматов. – Қайта ишлаш фаолияти қўллаб-қувватлангани боис ҳозирда мамлакатимизда 38 мингдан зиёд кўп тармоқли фермер хўжалиги фаолият юритмоқда. Жорий йилда яна 21 мингта ана шундай хўжаликни ташкил этиш кўзда тутилган. Кўргазмаларда фермер хўжалигини муваффақиятли бошқариш учун энг замонавий ускуна ва жиҳозлар намойиш қилинмоқда.

Кўргазмаларга келаётганлар ва қизиқиш билдираётганлар учун бу йилдан бошлаб мобиль илова жорий қилинди. Унда павильонлар ва экспозицияларнинг жойлашиши, маҳсулотлар тури, иштирокчи компаниялар рўйхати ва бошқа зарур маълумотлар ўрин олган.

Сайёра ШОЕВА,
ЎзА мухбири

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Тошкент минтақавий филиали тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш йўли билан ташкиллаштириладиган савдога таклиф этади!

Савдога ТИФ «Миллий Банк» Тошкент вилоят бўлимининг 2015 йил 20 мартдаги AU-11/1502-сонли буюртманомасига асосан, ТИФ «Миллий Банк» Тошкент вилоят бўлимига тегишли, Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Янгиовул ҚФЙда жойлашган, бириктирилган ер майдони 0.21 га тенг бўлган, бир қаватли, бузоқхона, чорвадорлар уйи, бостирма ва молхонадан иборат кўчмас мулк қўйилмоқда (чорвачилик фермаси). Бошланғич баҳоси – 310 480 000 сўм.

Савдо 2015 йил 28 апрель куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Буюртмалар 2 нусхада расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Савдода қатнашиш учун буюртманомаларни қабул қилишнинг охирги муддати 2015 йил 27 апрель куни соат 16:00.

Юқоридаги кўчмас мулклар 2015 йил 28 апрель куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2015 йил 1,6 ва 11 май кунлари соат 11:00 да ўтказилади. Буюртмаларни қабул қилиш: 2015 йил 1 майдаги такрорий савдо учун 30 апрель куни соат 16:00; 2015 йил 6 майдаги такрорий савдо учун 5 май куни соат 16:00; 2015 йил 11 майдаги савдо учун 8 май куни соат 16:00 да тўхтатилади.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб 20 (йигирма) кун муддат ичида кўчмас мулкларга бўлган ҳуқуқни тасарруф қилиш шартномасини имзолаш ва мулк учун тўловларни савдо кунидан бошлаб 60 (олтмиш) ой мобайнида тўлиқ амалга ошириш шартлари юклатилади.

Талабгорлар савдо кунига қадар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 2 (икки) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Ko`chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Тошкент минтақавий филиалининг «Ипак йўли банки» АИТБ Сағбон филиалидаги 2020 8000 4049 2060 9021, МФО 01036, СТИР 207122519 ҳ.р.га тўлашлари шарт.

Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Тел./факс: (0371) 228-78-96. www.1kms.uz. rieltsavdo@inbox.uz. Лицензия: RR-0001.

ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР, ИШБИЛАРМОНЛАР, ТАШКИЛОТ ВА КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ҲАМДА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 6 декабрдаги «Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, асбоб-ускуналарни ҳисобга олиш ва уларнинг техник ҳолатини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 345-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимининг 10.01.2013 йилдаги 32-сонли қарори билан Тошкент шаҳар «Давтехназорат» инспекцияси ташкил этилган.

Тошкент шаҳар «Давтехназорат» инспекцияси хўжалик юритувчи субъектлар ва жисмоний шахсларга ваколати доирасида қуйидаги ишларни бажаради:

1.Тракторлар, трактор тиркамалари, йўл-қурилиш ва мелиоратив техника, ўзиюрар машиналарни рўйхатдан ўтказиш, уларга давлат рақами белгиларини ва техник паспортларни, шунингдек, қишлоқ хўжалиги машинаси гувоҳномасини бериш.

2.Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш.

3.Тракторчи-машинистларга гувоҳномалар ва огоҳлантириш талонлари бериш.

Тошкент шаҳар «Давтехназорат» инспекциясининг манзили: Яшнобод тумани, Т.Малик кўчаси, 146-уй. Ишонч телефонлари: 230-41-22, 269-24-82.

Ҳар ойнинг биринчи душанба куни «Очиқ эшиклар куни» деб белгиланган.

«AGRO SANOAT MULK MARKAZI» МЧЖ очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

«Agro sanoat mulk markazi» МЧЖда 2015 йил 28 апрель куни соат 11:00 да бошланғич нархи ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги мол-мулклар қўйилмоқда: 1. Юнусобод туман СИБ томонидан, 2014 йил 23 июнь кунги 10414/22-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Шайхонтоҳур тумани, Уйғур кўчаси, 17-уйда сақланаётган, 2013 йилда и/ч дав. бел. 01096WCA бўлган «Кобалт» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи — 37 500 000 сўм.

2015 йил 14 апрель куни соат 11:00 да бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги мол-мулклар тақроран қўйилмоқда: I. Республика суд департаменти томонидан, 2012 йил 5 март кунги 1-69/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Шарқли Мелиса» МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган: 1. 1984 йилда и/ч дав. бел. 10AZ010 бўлган «Камаз-5320» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи — 28 129 000 сўм. 2. 1981 йилда и/ч дав. бел. 10BE430 бўлган «Камаз-5311» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи — 27 574 000 сўм. 3. 1984 йилда и/ч дав. бел. 10BE429 бўлган «Камаз-5511» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи — 28 223 000 сўм. 4. 1991 йилда и/ч дав. бел. 10BA712 бўлган «Камаз-5320» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи — 28 752 000 сўм. 5. 2008 йилда и/ч дав. бел. 01767CAA бўлган «Газ-2752-414» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи — 37 321 000 сўм. 6. 2012 йил 23 июль кунги 1-185д/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2008 йилда и/ч дав. бел. 10707AAA бўлган «Тайота Прадо» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи — 128 746 000 сўм. II. Суд департаментнинг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан, 2014 йил 24 март кунги 1739/3-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Муқимий кўчаси, 3-уйда сақланаётган: 1. 2003 йилда и/ч дав. бел. M0053 бўлган «Хундай H1» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи — 20 034 366 сўм. 2. 2001 йилда и/ч дав. бел. M3727 бўлган «Тойота Ленд Крузер» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи — 48 233 689 сўм. 3. 2005 йилда и/ч дав. бел. M4896 бўлган «Тойота RAV4» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи — 26 566 736 сўм. 4. 2002 йилда и/ч дав. бел. M5144 бўлган «Тойота Рав4» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи — 19 890 109 сўм. 5. 1996 йилда и/ч дав. бел. M6050 бўлган «Форд» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи — 50 004 700 сўм. 6. 2008 йилда и/ч дав. бел. M7210 бўлган «Isuzu Saz NP 37 Мидубус» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи — 37 946 700 сўм. 7. 2008 йилда и/ч дав. бел. M7211 бўлган «Isuzu Saz NP 37 Мидубус» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи — 37 946 700 сўм. 8. 2008 йилда и/ч дав. бел. M7933 бўлган «SAZ NPR 66LL» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи — 37 327 500 сўм. III. Мирзо Улуғбек туман СИБ томонидан, «Феруза Баракат Сервис» МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган: 1. 2013 йил 16 октябрь кунги 62989/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2010 йилда и/ч дав. бел. 01O862FA бўлган «Матиз» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи — 20 498 072 сўм. 2. 2013 йил 22 август кунги 58980/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2008 йилда и/ч дав. бел. 01T836LA бўлган «Матиз» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи — 16 129 797 сўм. 3. 2014 йил 7 январь кунги 613/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2008 йилда и/ч дав. бел. 10A532GA бўлган «Матиз» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи — 18 875 968 сўм. 4. 2011 йил 15 август кунги 25578-85/22-25-12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Space Arsenal Service» МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, 1995 йилда и/ч дав. бел. 19A351 бўлган «SK 24» русумли ярим тиркама. Бошланғич нархи — 23 040 350 сўм. IV. Юнусобод туман СИБ томонидан, 2014 йил 26 ноябрь кунги 22088/22-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Юнусобод тумани, Чинобод кўчаси, 9-уйда сақланаётган, 2013 йилда и/ч дав. бел. 01509DDA бўлган «Малибу» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи — 83 000 000 сўм. V. Яккасарой туман СИБ томонидан, 2013 йил 13 февраль кунги 1-23/14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Яккасарой тумани, 5А-уйда сақланаётган, 2008 йилда и/ч дав. бел. 01T676AA бўлган «Хонда Аккорд» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи — 45 376 200 сўм.

Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимларининг вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлардан аризалар ҳафтанинг расмий иш кунлари соат 10:00 дан 18:00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир иш куни қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич нархининг 10% дан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибида савдо ташкилотчиси – «Agro sanoat mulk markazi» МЧЖнинг «Капиталбанк» АТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000804948004002, МФО 01018, СТИР: 302159464.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй. Тел: 250-83-29.

Гувоҳнома: 006388.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси томонидан ҳафтанинг ҳар шанба куни бошқармада тадбиркорлик субъектлари фаолиятига қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида «Тадбиркорлар куни» деб белгиланди.

Тадбиркорлар билан мулоқот малакали мутахассислар билан бошқарма биносида соат 10.00дан 13.00гача бўлиб ўтади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 2А-уйнинг биринчи қавати.

Бошқарма маъмурияти.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **27 март** куни ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғиши мумкин. Гарбдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 6-8 даража шилиқ, кундузи — 14-16 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **27 мартда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг сақланиб қолишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95 факс: (371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-4294
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 355
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 13591 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул Д. Исроилов
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Босишга топширилди: 15.40
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ